

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Uzsalaman" AJ QK

Объявление

"UZSALAMAN" AKSIYADORLIK JAMIYATI QO'SHMA KORXONASI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi "Uzsalaman" O'zbekiston - Germaniya qo'shma korxonasi акциядорлари диққатига!

Жамият акциядорларининг 30.11.2023 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi "Uzsalaman" O'zbekiston - Germaniya qo'shma korxonasi ни ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиришга қарор қабул қилинди.

Юқоридагиларни инobatга олган холда, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 62 уйда жойлашган жамият мажлислар залида 2024 йил 12 февраль куни соат 11-00 да масъулияти чекланган жамияти тузиш бўйича таъсисчилар умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.

Умумий йиғилиш кун тартиби қуйидагича:

- 1. "Uzsalaman" МЧЖ ни таъсис этиш.
- 2. Жамият устав фондини белгилаш, таъсисчилар таркибини ва таъсис хужжатларини тасдиқлаш.
- 3. Жамият кузатув кенгашини сайлаш.
- 4. Жамият директорини тайинлаш.
- Умумий йиғилишга шахсингизни тасдиқловчи хужжат, акциядор вакиллари эса қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича ишончнома билан келишлари сўралади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 91-128-70-72

Жамиятнинг юридик манзили: 150100, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 62 уй;

Жамият расмий веб сайти: www.uzsalaman.uz (<http://www.uzsalaman.uz/>)

Электрон почта манзили: uzsalaman@mail.ru (<mailto:%20uzsalaman@mail.ru>)

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимояқилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси талабларига кўра овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Шу муносабат билан таъсис умумий йиғилишда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган ёки таъсисчи сифатида МЧЖ га киришни хохламаган акциядорлар билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида акциядорларнинг 30.11.2023 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан бозор қийматида ҳар бир дона акция учун 7343 сўмдан рўйхат бўйича тегишли тўловларни акциядорлар шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатган ҳолда, ўз маблағларини олишлари мумкин.

Кузатув кенгаши.

ЭЪЛОН!

Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi "Uzsalaman" O'zbekiston - Germaniya qo'shma korxonasi ning акциялар чиқарилуви бўйича 03.11.1997 йилда M0299сон билан, 03.06.2005 йилда M0299-2 сон билан, 02.01.2007 йилда M0299-3 сон билан, 04.07.2008 йилда M0299-4 сон билан ва 16.03.2021 йилда M0299-5 сон билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорлари ва ҳамда эмиссия рисоалари, шунингдек, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг асл нусхалари йўқолганлигини маълум қиламиз.

Жамият бошқаруви

11.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16646/>

Дата: 06.05.2026